



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кеलाжаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 7 февраль, № 26 (9197)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — ПОКИСТОН: ДЎСТЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг таклифига биноан 5-6 февраль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 6 февраль кун Исломобод шаҳрига давлат ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф билан биргаликда ўшма бизнес форумида иштирок этди.

Тадбирда икки мамлакатнинг 300 дан ортиқ етакчи саноат корхоналари ва савдо компаниялари, тармоқ ташкилотлари ҳамда ишбилармонлик тузилмалари раҳбарлари ва вакиллари қатнашди.

Покистон томонидан “PEL”, “Waves Singer”, “Sadaqat”, “Fauji”, “Platinum”, “Fast Cables”, “National Fruit”, “Amson Group”, “Shaigan”, “Hans International”, “Secure Logistics Group”, “NLC”, “Fairmont”, “Go Dairy”, “Engro”, “Herbion”, “AGP”, “Arco”, “Habib Rafiq”, “Pakistan Steel Mills”, “Siddiq Sons”, “Uniworth”, “Diners”, “Fatima Group”, “Fateh Group”, “Hub Leather”, “Siddiq Leather”, “Royal Leather”, “Davis”, “Ahsan Dyeing” ва бошқа кўплаб компаниялар ана шулар жумласида.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида олий даражадаги музокаралар Ўзбекистон — Покистон муносабатларини, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий жиҳатдан ривожлантиришда янги босқични бошлаб берганини катта мамнуният билан қайд этди.

Ўзаро алоқалар тарихида илк бор иқтисодий ҳамкорликка янги сифат бағишлаш ва савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказишни назарда тутувчи баённома имзоланди.

Икки мамлакат мутасаддиларига комплекс “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал этиш механизмини жорий қилиш топширилди.

Ўзбекистон Президенти иқтисодий шерикликнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди. Фармацевтика ва тиббиёт, энгил саноат, металлургия тармоғи ва геология, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида-

ги ҳамкорликни кенгайтириш шулар жумласида.

Покистон компаниялари Ўзбекистондаги дори воситалари, биотехнологиялар ва тиббий асбоб-ускуналарни маҳаллилаштириш лойиҳаларига таклиф этилди. Тошкент фармацевтика паркида покистонлик инвесторлар учун қулай шароитлар яратилади.

Халқаро брендлар учун тайёр тўқимачилик маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқаришда катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Ўзбекистон тўқимачилик корхоналарини ишончли бошқарувга бериш ва покистонлик ҳамкорлар учун алоҳида чарм саноати зоналарини ташкил этишга тайёр.

Гўшт, картошка ва гуруччи биргаликда етиштириш, шунингдек, уруғчилик ва селекция соҳасида Покистон Миллий геномика институти билан шериклик истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт-логистика соҳасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириш савдо ҳажмини янада оширишнинг муҳим шартидир.

Покистон — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон йўналиши бўйлаб юк ташиш, Лаҳор ва Исломобод шаҳарларига эса авиақатновлар йўлга қўйилди, Трансафгон темир йўлини қуриш лойиҳаси илгари сурилмоқда. Жорий йилнинг апрель ойидан Карачига юк рейслари ва Лаҳорга тўғридан-тўғри йўловчи рейслари йўлга қўйилди.

Худудлар ўртасидаги алоқаларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда биринчи Худудлараро форумни ўтказиш ташаббуси кўллаб-қувватланди.

Тадбир якунида Ўзбекистон етакчилиги ва Покистон Бош вазири эришилган келишувлар тўғрисида алоҳида Баённомани имзоладилар. Унда амалга ошириш мuddатлари ҳамда икки мамлакатнинг бунинг учун масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари белгилаб олинди.

Шунингдек, етакчилар ҳузурда қатор инвестициявий ва савдо-иқтисодий келишувларни алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Исломободда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Покистон бизнес форуми доирасида “Go Group” компанияси бош ижрочи директори Дур Мухаммад Аюб билан учрашди.

Корхона Покистоннинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт соҳаларида етакчидир.

Компаниянинг мамлакатимиз худудларида чорвачилик маҳсулотларини тўлиқ қайта ишлаш занжирига эга агрокластер барпо этиш бўйича режалари кўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Исломобод шаҳрига давлат ташрифи доирасида “GoHar Textile” компанияси асосчиси Гоҳар Мустафо билан учрашув ўтказди.

Компания пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган бўлиб, маиший тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга.

Учрашув давомида мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотларини биргаликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва Ўзбекистон корхоналарини халқаро етказиб бериш занжирларига интеграция қилиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон — Покистон бизнес форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “HRL Group” компанияси раиси Зоҳид Рафиқ билан учрашди.

Компаниялар гуруҳи қурилиш, тоғ-кон саноати ва энергетика соҳаларида фаолият юритувчи энг йirik корхоналар сирасига киради.

Ўзбекистон тажрибасини кўллаган ҳолда Покистондаги мис, ол-

тин ва ўта муҳим минераллар конларида биргаликда геология-қидирув ишларини олиб бориш истиқболлари муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз етакчиси компания раҳбарининг Покистон пойтахтида Имом Бухорий мажмуаси ва Самарқандда меҳмонхона қуриш ташаббусларини олқишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистонга давлат ташрифи доирасидаги ишбилармонлик тадбирлари давомида “Engro Group” компанияси раиси Аҳсан Зафар Сайид билан ҳам учрашув ўтказди.

Компания Покистоннинг энергетика хавфсизлигига катта ҳисса қўшиб, энергетика, нефть-кимё ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида катта тажрибага эга.

Суҳбатда Президентимиз компаниянинг кимё саноатидаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этишини кўллаб-қувватлади. Шунингдек, чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулотларини етказиб бериш бўйича шериклик учун катта салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Айвони Садр” қароргоҳида Покистон Ислом Республикаси Президенти Асиф Али Зардорий билан тор доирада ва делегациялар иштирокида учрашув ўтказди.

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, дўстлик ҳамда стратегик шерикликни мустаҳкамлашнинг жорий ҳолати ва долзарб йўналишлари муҳокама қилинди.

Учрашув аввалида Асиф Али Зардорий давлатимиз раҳбарини Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йигилиши муваффақиятли бўлгани муносабати билан табриклади ҳамда ушбу давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни чуқурлаштиришга янги суръат ба-

ғишлайдиган тарихий аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Янги Ўзбекистонни 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар юқори баҳоланди.

Турли даражалардаги фаол алоқалар мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва қўшма корхоналар сони барқарор ўсиб бормоқда. Иқтисодийнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Исломободдаги саммитга тайёргарлик доирасида Хукуматлараро комиссия йиғилиши ва сиёсий маслаҳатлашувлар самарали ўтказилди.

Амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестиция алоқаларини ривожлантириш ҳамда ишбилармонлик алмашинувларини фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Яқин истиқболда ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш бўйича қўшма чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Худудлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Худудлараро форумнинг биринчи йиғилишини шу йил Хивада ўтказишга келишиб олинди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар долзарб минтақавий ва халқаро кун тартиби бўйича позицияси ўхшашлиги ҳамда бир-бирларини кўллаб-қувватлашни давом эттиришларини яна бир бор тасдиқладилар.

Даваний ва гуманитар алмашинувларни янада кенгайтириш ҳамда таълим, экология, спорт ва бошқа

соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суришга ўзаро интилиш қатъий экани қайд этилди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев Асиф Али Зардорийни Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф этди.

Шундан сўнг “Айвони Садр” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга “Нишони Покистон” орденини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Президент Асиф Али Зардорий Покистоннинг олий мукофотини давлатимиз раҳбарига тантанали равишда топширди.

Ушбу нуфузли мукофот кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги умумий савий-ҳаракатларнинг муносиб эътирофи ҳамда Ўзбекистон халқига дўстона муносабат ва чуқур хурмат ифодаси экани қайд этилди.

Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклиги мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилиб боришига ишонч билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур юксак мукофот турли йилларда Буюк Британия Қироличаси Елизавета II, АҚШ Президенти Ричард Никсон, Жанубий Африка Республикаси Президенти Нельсон Мандела, Таиланд Қироли Пхумипон Адульядет, БАА Президенти Шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Саудия Арабистони Валиахд шаҳзадаси Мухаммад бин Салмон ва бошқаларга берилган.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислом Республикасига давлат ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2026 йил 6 февраль кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги

саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди. Ялпи мажлиснинг иккинчи иш кунини сенаторлар М. Э. Абдусаломовни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси этиб сайлаш масаласини кўриб чиқишдан бошлашди.

Сенатнинг тегишли қарорига асосан Абдусаломов Мирза-Улуғбек Элчиёвич ўн йиллик мuddатга Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси лавозимига сайланди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорига асосан Абабакиров Муроджон Абдуқохорович бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилди.



Акс садо

ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ ВА СИЁСИЙ МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари бугун янги аҳамиятга эришди. Президентимизнинг ушбу мамлакатга амалга оширган давлат ташрифи ўзаро муносабатларни институционал ва амалий жиҳатдан янги поғонага олиб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ҳамда кўмиталар аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ



Ахборот Мухаммадовнинг сўзидан.

Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия ўртасида ушлаб бериш тўғрисидаги Шартномани (Будапешт, 2025 йил 20 май) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия ўртасида жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам соҳасида алоқаларни тартибга солишни, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштиришни назарда тутди.

Шартномада ушлаб беришни амалга ошириш шартлари, сўровларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби, ушлаб беришни рад этиш асослари, шунингдек, шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир нормалар аниқ белгилаб кўйилган.

Шартноманинг ратификация қилиниши икки давлат ўртасида ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорлини янги босқичга олиб чиқиш, халқаро жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қўмақлашди.

Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар доирасидаги мажбуриятлари изчил бажарилишини таъминлаш, ҳуқуқ устуворлиги таъминлаш янада ривожлантириш имконини беради.

Мухоама яқунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ўн учинчи ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мухокамалар давомида таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллигини қарор топтиришга қаратилган. Одиал судловни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Қонун билан суд ишларини ҳал этишга ноқонуний аралашув учун жавобгарликни аниқлаштириш, суд биносида тартибни бузиш ҳолатларига нисбатан маъмурий қоралар белгилаш, шунингдек, солиқ органлари ишторикадаги айрим солиққа оид низоларни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Ушбу нормалар суд ҳокимияти нуфузини ошириш ва суд қарорларининг ҳолислигини таъминлаш мақсадларига қаратилгани алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга, қонунда айрим қайта кўриб чиқилиш ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилиши лозим бўлган нормалар мавжудлиги билдирилди.

Хусусан, таъкиф этилаётган нормалар маъмурий суд ишларини юритишга оид амалдаги процессуал қондалар билан уйғун эмас, бу эса суд амалиётида ҳуқуқий ноаниқлик, турлича ёндашувлар ва низоларга олиб келиши мумкин.

Сенаторлар бу қонун устуворлиги (rule of law) ва суд мустақиллиги (judicial independence) каби умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий стандартларга, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсадларига зид эканини таъкидлади.

Бундан ташқари, қонунни тайёрлаш ва муҳоамага киритиш жараёнида қонун ижодкорлигига оид белгиланган тартиб-таомилларга тўлиқ риоя этилмаган. Хусусан, қонунчиликка тегишли ўзгартиришларни “пакет” принципи асосида киритиш масалалари эътибордан четда қолган.

Сенаторлар бу каби ҳолатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қийинчиликлар туғдириши мумкинлигига эътибор қаратди.

Мухокамалар яқунида сенаторлар томонидан қонун ижодкорлигига тизимлилик, ҳуқуқий аниқлик ва қонун устуворлиги таъминлашга қатъий риоя этиш давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги таъкидланди, қонунни тақдим этишга таъкидланди, қонунни тақдим этишга таъкидланди, қонунни тақдим этишга таъкидланди, қонунни тақдим этишга таъкидланди.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2025 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси ҳамда 2026 йилда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш масаласи муҳоама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган вақт давомида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Миллий кадрлар захирасида хотин-қизлар салмоғи аввалги ўтказиш услуби янги тахрирда қабул қилиниб, ижрога қаратилди. Мазкур услубият асосида Ички ишлар вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида гендерга оид аудит ўтказилди.

Аграр соҳада 2025 — 2030 йилларга мўлжалланган гендер тенглик стратегияси ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

“Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастурининг 4 та мавзуси яқунида, 244 нафар хотин-қиз ўқиш билан қамраб олинди. Уларнинг 60 нафари юқори лавозимларга тайинланди.

Одиал судлов академиясига 2025 йилда ўқув йили учун хотин-қизларга 12 та қўшимча квота ажратилиши натижасида 164 нафар тинловчининг 38 нафари ёки 23 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

2025 йилда хотин-қизларнинг 12,4 миллиард сўмлик 21 та стартап лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Сийёсий партиялар томонидан жамиятда “аёл сиёсатчи” образи тўғрисида ижобий фикрни шакллантиришга қаратилган юздан ортқ тарғибот тадбирлари ўтказилиб, 27 мингдан зиёд фуқаролар қамраб олинди.

Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилди. Парламентлараро Иттифоқнинг Женевада 2025 йил октябрь ойида бўлиб ўтган 151-сессиясида Ўзбекистон парламентлараро қўйи палаталарида хотин-қизлар фаоллиги бўйича дунёда 15-ўринни эгаллагани қайд этилди.

Жаҳон банкининг баҳосига кўра Ўзбекистон аёлларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини кенгайтиришда энг катта ютуқларга эришган бешта давлат қаторига киритилган. Очқич гендер маълумотлари (Open Data) индексига эса Ўзбекистон дунёнинг энг яхши 20 та мамлакатига рўйхатдан жой олди. Гендер тенглик ва бошқарув индексига мамлакатимиз 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди.

Шунингдек, мажлисида айрим мақсадли кўрсаткичларга эришиш кенгайтирилганлиги танқидий рўйхатда муҳоама қилиниб, тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатмалар берилди.

Хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини кенгайтириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини яхшилашга қаратилган 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш услубияти янги тахрирда қабул қилиниб, ижрога қаратилди. Мазкур услубият асосида Ички ишлар вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида гендерга оид аудит ўтказилди.

Аграр соҳада 2025 — 2030 йилларга мўлжалланган гендер тенглик стратегияси ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди.

Таъкидланганидек, ижтимоий соҳага ихтисослаштирилган 38 та олий таълим муассасасининг 49,2 минг битирувчиси бандлигини таъминлаш бўйича ишларни мониторинг қилиб бориш мақсадида Сенат Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинган. Мазкур қарор билан битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш ишларини ташкил этишга доир манзилли чора-тадбирлар белгилаб олинди, уларни амалга ошириш ва назорат қилиш бўйича республика, вилоят ҳамда туман (шаҳар)лар кесимида ишчи гуруҳлар тўзилган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда маъсул республика ижро органлари билан биргаликда ОТМ битирувчиларнинг бандлигини ҳудудлар кесимида манзилли мониторинг қилиш платформаси (daw.ihma.uz, my.ihma.uz) ишга туширилиб, унга 49,2 минг битирувчининг маълумотлари киритилган.

Олий Мажлис Сенатига бириктирилган 38 та ОТМдаги “Карьера марказлари” билан тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик доирасида битирувчиларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиб, улар билан сўбатлар ўтказилиш ва уларни иш билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилган.

Шунингдек, битирувчилар ва иш берувчилар ўртасида мулоқотлар ташкил этиш бўйича режа-жадваллар тасдиқланиб, республиканинг барча ҳудудларида ёшларни муносиб иш ўринларига жойлаштириш мақсадида учрашувлар ўтказилган.

Уларни ўз мутахассисликлари бўйича мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштириш мақсадида маҳалларда 300 га яқин меҳнат ярмаркалари ҳам ташкил этилган.

Битирувчиларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўз бизнесини йўлга қўйиш имкониятини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан “Келажакқа қадам” дастури доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган 890 нафар битирувчига 44 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилган.

Ялпи мажлисида сенаторлар томонидан битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири эканлиги таъкидланди, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан маъсул вазирлик ҳамда идораларга тегишли таъкид ва тавсиялар берилди.

Мухоама яқунида бўйича мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ва аниқ муддатлари ҳамда ижро учун маъсуллар белгилаб қўйилган Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Юқори палатанинг ўн учинчи ялпи мажлисида ҳудудларда инфратузилмани ривожлантириш ва қурилишларни тартибга солиш бўйича қўрилаётган чоралар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, парламент сўровида кўтарилган масалалар юзасидан бир қатор самарали ишлар амалга оширилган. Хусусан, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича автоматлаштирилган тизим яратилиб, ушбу тизим Адлия вазирлигининг “Notarius”, Ички ишлар вазирлигининг “E-ma'muriy ish”, Олий суднинг “Adolat”, Кадастр агентлигининг “UzKad” ахборот тизимлари билан интеграция қилинган.

Бугун ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш бўйича судларга инсон омилсиз тўғридан-тўғри автоматик тарзда даъво киритиш мумкин. Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар ҳам онлайн режимида “Огоҳ фуқаро” платформаси орқали ваколатли органга хабар беришлари мумкин.

Шунингдек, Давлат архитектура назорати белгиланган ҳудудда туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари ходимлари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини олиш учун аттес-

тациядан ўтказилган ҳамда махсус гувоҳномага эга.

Сўровда кўтарилган масалаларнинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 сентябрдаги тегишли қарори қабул қилинган. Унга мувофиқ Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси зиммасига бюртмачининг техник ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини ҳамда пудрат ташкилоти ички назорат тизимининг ишлаши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва мониторинг қилиш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган 6 та маъмурий регламента ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан, архитектура-шаҳар-созлик кенгашларининг фаолияти рақамлаштирилиб, қурилишга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини келиши, қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Бундан ташқари, Архитектура-шаҳар-созлик кенгашларининг фаолияти рақамлаштирилиб, қурилишга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали келиши тартиби жорий этилган.

Сенаторлар амалга оширилган ишлардан ташқари, ўз ечимини кутаётган масалаларга ҳам эътибор қаратди.

Хусусан, халқаро молия институтлари иштирокидаги “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини тасдиқлаш ишлари яқунига етказилган.

Шунингдек, бюртмачи ҳокимликлар бўлган лойиҳаларда ўзлаштириш ҳамми 2,5 триллион сўм ёки умумий лимитга нисбатан 87,1 фоизни ташкил этган. Жумладан, Хоразм (63,5%), Тошкент (71,7%) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида (73,3%) паст кўрсаткичлар қайд этилган.

Мухоама яқунида Сенатнинг юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга ҳамда бу борада парламент назоратини олим боришга қаратилган қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисида доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, уларга квота ажратиш ҳамда соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан юборилган парламент сўрови натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, парламент сўровида акс этган масалалар бўйича муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, истиқболли хомашёбон ўсимликларнинг захираларини аниқлаш ҳамда муҳоама этиладиган табиий ҳудудларнинг флора турлари таркибининг инвентаризация қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

34 турдаги доривор ва озиқ-овқатбон ўсимликларни парвариш қилиш ва махсулот етиштириш бўйича намунавий технологик хариталар ишлаб чиқилган.

Урмон хўжалиқлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокида кооперация усулида доривор ва озиқ-овқатбон ўсимликлар етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган.

Урмон хўжалиқларининг 5,9 минг гектар ер майдонида доривор ва озиқ-овқатбон ўсимликлар плантациялари барпо этилган.

Табиий ҳолда ўсувчи ёввойи ўсимликларнинг доривор, озиқ-овқатбон ва техник турларини етиштириш бўйича 114 та тадбиркорлик субъекти томонидан 28,2 минг гектар майдонда питомник ва плантациялар яратилган.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан доривор ўсимликлар хомашёсини сертифицирлаш ва стандартлаштириш лабораториясини ҳамда юқори авлод доривор ўсимликларнинг селекцион навларини етиштирувчи элита уруғчилик хўжалиқларини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Доривор ўсимликларнинг ёввойи турларидан маданий селекция нава ва дуррагайларга ўтиш, маданий плантацияларни кенгайтириш зарурлиги юзасидан фикрлар билдирилди.

Мухоама яқунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенат ялпи мажлисида вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳам муҳоама этилди.

Таъкидланганидек, парламент сўрови юзасидан Ҳукумат томонидан муайян ишлар амалга оширилган.

Жумладан, 2025 йил давомида “Масъулиятли ота-оналик” дастурлари доирасида 22 минг нафар ота-она ҳамда 30 мингга яқин низоли оилалар ўқитилган. Ҳуқуқларда асосий эътибор ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи, масъулияти ва жавобгарлигига қаратилган.

Шунингдек, ота-оналар маъсулиятини оширишга бағишланган 10 га яқин номлардаги ўқув қўлланмалари, 40 дан зиёд тарғибот материаллари тайёрланган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар бир бола учун ундирилган алимент миқдори бир ойлик минимал истеъмол харажатлари қийиматидан кам бўлмаслиги юзасидан қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича тақлифлар тайёрланган.

“Алимент тўловлари” жамғармасини шакллантириш манбалари янада кенгайтирилиб, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасининг ҳар ойлик даромадларининг харажатларига нисбатан ортқча бажарилган қисми ҳисобидан жамғармага маблағ йўналтириш тизими жорий қилинган.

Шунингдек, алимент мажбуриятларини ижро этиш ва назорат қилишнинг ягона ахборот тизими Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Газначилиги электрон тизими (UzASBO) билан тўлиқ интеграция қилинган.

Марказий банк бошқарувининг “Банк ҳисобварақларини очиш, юритиш ва ёпиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарорига асосан вояга етмаган болалар номига банк ҳисобварағи очилиши ҳуқуқий асослари белгиланган.

Мухоамада парламент сўрови доирасида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар ҳам сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Доимий иш жойига эга бўлмаган ёки даромади аниқланмаган алимент тўловларидан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тартибининг такомиллаштириш, “Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шакллари халқаро тартиби тўғрисида”ги Гаага Конвенциясига қўшилиш, алимент тўловчи ҳақида маълумот бўлмаса, вояга етмаган бола таъминотини ҳал этиш қабилар шуллар жумласидандир.

Мухоама яқунида юқоридаги масалаларни ўз ичига олган Сенат қарори қабул қилинди.

Парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласини ҳам кўриб чиқди ва Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисида жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқаро ҳамкорлини ривожлантиришга қаратилган 17 та масала, шу жумладан, 8 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси яқунида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 132-моддасининг тўртинчи қисми ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни 18-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Мирза-Улугбек Элчиевич Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси этиб сайлансин.
- 2. Ушбу Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

Тошкент ш., 2026 йил 6 февраль

ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕЛЕГАЦИЯСИ АҚШ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНЛАРИ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари О. Маматқаримов, Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари С. Абдикаримова, Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси З. Бекатова айна пайтда мамлакатимиз делегацияси таркибида АҚШда бўлиб турибди.

Ташриф

Делегациянинг ташрифи АҚШ Конгресс кутубхонаси қошидаги парламент дипломатиясини ривожлантиришга ихтисослаштирилган “Очқ дунё” етакчилиги маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Сенаторлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари АҚШ Конгресси фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёнлари ҳамда соҳавий сиёсат йўналишлари билан яқиндан танишмоқда.

Ташриф АҚШ Конгрессининг Жеймс Мэдисон номидаги кутубхонасида бўлиб ўтган танишув уч-

рашуви билан бошланди. Шунингдек, “Очқ дунё” дастурининг мақсад ва вазифаларига бағишланган семинар ҳамда “Америка федерализми: АҚШ Конгресси қандай ишлайди?” мавзусида маъруза ташкил этилди.

Шу билан бирга, делегация аъзолари АҚШ Капитолий биносидан бўлиб, конгрессмен ва сенаторлар билан, жумладан, Марказий Осиё бўйича қуйи қўмита ҳамда рақамли активлар, молиявий технологиялар ва сунъий интеллект масалалари бўйича қуйи қўмита вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Мулоқотлар давомида бугунги кундаги долзарб йўналишлар, со-

ҳалардаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилган ёндашувлар юзасидан фикр алмашилди.

Конгресс аъзолари билан бўлиб ўтган учрашув давомида икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ҳамда истиқболли муҳоама қилинди. Шунингдек, бюджет, энергетика ва савдо қўмиталарини фаолияти, энергетика соҳасидаги янгиликлар, иқлим ўзгаришига қарши қўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда ушбу йўналишларда қабул қилинаётган қонунлар ҳақида маълумот берилди.

Мулоҳаза

ИНСОН ҚАДРИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Кеча давом этган Олий Мажлис Сенатининг 13-ялпи мажлисида қатор масалалар ва қонунлар сенаторлар ҳамда мутахассислар томонидан атрафлича муҳокама қилинди. Шунингдек, Сенатнинг аввалги йиғилишларида турли идораларга юборилган парламент сўровлари натижалари ҳам кўриб чиқилди. Айрим қонунлар маромига етмаганлиги боис рад этилди.

Қонун нега рад этилди?

Абдулҳаким ЭШМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқққ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси:



Сўнги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўққинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда фуқароларнинг адолатли судга бўлган ишончини юксалтириш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб борилаётган. "Инсон қадрини унун" тамойили асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш, у орқали халқ манфаатлари ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга эришиш учун судга ҳурматсизлик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган таъсирчан механизмларни ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда. Шунингдек, суд ишларига аралашганлик учун жавобгарлик чораларини аниқлаштириш, судларда қўриладиган ишлар бўйича оворагарчиликларнинг олдини олиш, ортиқча тартиб-таомиллардан воз кечиш орқали тадбиркорлик фаолиятининг тартибга солинишини соддалаштириш зарурлиги ҳам юзга келмоқда.

Шу мақсадда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Жиноят, Маъмурий, Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Айтиш жоизки, Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилаётган суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд бимосиде тартибни бузиш тарзида судга ҳурматсизлик қилганлик учун белгиланаётган жавобгарлик чоралари келгусида судларнинг мустақиллигини янада кучайтиришга, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борадаги фаолиятини аралаштиришнинг олдини олишга хизмат қилади. Аммо ўрганиш ва таҳлиллар тақдим этилаётган қонун лойиҳасида қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган айрим масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Биринчидан, қонун билан Иқтисодий процессуал кодексининг 26, 135, 215, 217, 219 ва 222-моддаларига ўзгаришлар киритилиб, солиқ органлари иштирокидаги солиқ ва йиғимларга оид низоларни иқтисодий судлар ҳал этадиган низола доирасидан чиқариш назарда тутилган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 111-моддасига қўшимча киритилиб, солиқ тўловчи банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги солиқ органларнинг қарорига эътироз билдирган тақдирда, солиқ органи солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операция-

ларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома билан маъмурий судга мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланмоқда. Бироқ ушбу нормаларни ишлаб чиқишда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари инобатга олинмаган.

Жумладан, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 2-моддасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш маъмурий суднинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. 3-моддага қўра эса ушбу кодекс маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишда маъмурий суд ишларини юритишнинг амалга ошириш тартибига нисбатан таътиб этилади.

Кодекснинг 27-моддасида эса маъмурий суд томонидан ҳал этиладиган ишлар доираси белгиланган бўлиб, унда солиқ органи солиқ тўловчи (солиқ агенти)нинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномасини кўриб чиқишга оид ишлар назарда тутилмаган.

Иккинчидан, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига асосан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти — Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонун лойиҳаси билан биргаликда ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек, қонун лойиҳаси киритилиши билан боғлиқ қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини;

— қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси натижалари тўғрисидаги ахборотни (келиб тушган фикр-мулоҳазалар ва (ёки) тақлифларни кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган ҳолда) киритиши белгиланган. Бироқ мазкур материаллар тақдим қилинмаган. Амалётда янги қонун лойиҳаси билан белгиланаётган қонунлар илгари қабул қилинган қонунларга тегишли ўзгаришлар киритишнинг такозо этганда, аввалги қонунларга ўзгариш киритиш янги қонунни қабул қилиш билан бир вақтинчи ўзида амалга оширилади.

Бундан ташқари, қонун ташаббускори томонидан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга солиқ органининг мурожаатига асосан жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашга оид ўзгариш ва қўшимчалар киритиш масалалари ҳам ишлаб чиқилмаган.

Тақдим қилинаётган қонун лойиҳасида бу каби номутаносибликларнинг мавжудлиги уни рад этиш учун етарлилик асос бўлади. Қолаверса, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида"ги Қонуннинг 12 ва 13-моддаларига асосан бундай номувофиқликлар келгусида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар бўлиши мумкин.

чи давлатлари ҳудудидан тан олиниши ва ижроси билан боғлиқ самарали механизмдан фойдаланиш имконини яратди. Бундан ташқари, алимент тўловчи ҳақида маълумот бўлмаса ёки у "бедарак йўқолган" деб топилган тақдирда вояга етмаган ҳамда таъминотини ҳал этиш масаласи ҳам ҳали яқинига етказилмаган. Бу ҳам жуда муҳим масала. Чунки ҳаётда алимент тўловчи бедарак йўқолган деб топилар ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай ҳолларда вояга етмаган болани таъминоти учун алимент ундириш ўз-ўзидан тўхтатилади.

Ортиқчи масалалардан яна бири — гарчи "Алимент тўловчиси" жамғармасидан тўлаб берилган алимент маблағларини ундириш бўйича чоралар қўрилаётган бўлса-да, қарздорлардан жамғармага қайтарилган маблағлар бор-йўғи 4 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур йўналишда ҳам таъсирчан чораларни кўриб бориш талаб қилинади.

Шунинг учун "Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шакллари-нинг халқаро тартиби тўғрисида"ги Гаага конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мақсадли яқинига етказиш лозим. "Алимент тўловчиси" жамғармасидан тўлаб берилган алимент маблағларини қарздорлардан жамғармага қайтариш ишларини жадаллаштириш ва алимент тўлашдан бўйин товлаётган шахслар билан индивидуал профилактика суҳбатлар ўтказиб, улар масъулиятини ошириш бўйича тушунтириш ва таъсирчан тарғибот ишларини олиб бориш зарур.

Тегишли мутасадди идоралар доимий иш жойига эга бўлмаган ёки даромади аниқланмаган алимент тўловчидан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тартибини такомиллаштиришга доир тақлифларни ишлаб чиқиши керак. Чунки алимент тўловчи ҳақида маълумот мавжуд бўлмаса, жумладан, у "бедарак йўқолган" деб топилса, вояга етмаган бола таъминотини ҳал этиш юзасидан тегишли тақлифлар тайёрлаш ва ҳужуматга киритиш аниқ масалада муаммоларни бартараф қилишда муҳим омил бўлади.

«Халқ сўзи».

ИҚТИСОДИЙ ДИПЛОМАТИЯ ВА СИЁСИЙ МУЛОҚОТЛАР САМАРАСИ

Ақтам ҲАЙТОВ, ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:



— Президентимизнинг Покистон Ислому Республикасига давлат таширифи икки томонлама муносабатларда мутлақо янги даврни бошлаб берди. Унинг натижалари Ўзбекистон таширифи сийосий майдонда нафақат очиклик, балки проактив иқтисодий дипломатия ва халқ манфаатларини устувор билиш тамойилларига таянаётганининг амалий ифодаси бўлди.

Айниқса, савдо-иқтисодий ҳамкорликдаги туб бурилишни алоҳида қайд этиш лозим. Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгайтиришнинг биринчи йиғилиши юқори самарадорлиги билан ажралиб турди. Стратегик шериклик ўрнатилган сўнги беш йилда ўзаро савдо ҳажми 2,5 баравар, қўшма корхоналар сони эса деярли 3 қарра ошди.

2025 йил якуни билан товар айланмаси 500 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, икки давлат етакчилари яқин истиқболда бу кўрсаткични 2 млрд. долларга етказишдек улкан вазифани белгилаб берди.

Ушбу мақсадлар мамлакатимиздаги иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва миллий экспорт салоҳиятини 45 млрд. долларга етказиш борадаги устувор вазифаларимизга тўла ҳамоҳанг. 240 млн.дан ортиқ аҳолига эга Покистон бозори — маҳаллий тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар учун беқиёс имконият.

Таширифи доирасида имзоланган, умумий қиймати 3,5 млрд. долларлик савдо ва инвестиция шартномалари портфели ҳам диққатга сазовор. Бу лойиҳалар қишлоқ хўжалиги, электротехника, геология, фармацевтика, энгил ҳамда озиқ-овқат саноати каби стратегик тармоқларни қамраб олади. Музокаралар якунида имзоланган 30 га яқин муҳим ҳужжатлар, жумладан, қўшма декларация ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқарди.

Биз иқтисодиётда давлат иштирокини қамраб олиш ва қўлай бизнес муҳитини яратиш тарафдоримиз. Покистон компанияларининг "Tashkent Pharma Park" кластерида дори воситаларини маҳаллийлаштиришга жалб этилиши, тўқимачилик соҳасидаги қўшма лойиҳалар ва корхоналарни ишончи бошқарувга бериш амалиёти — хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва хорижий капитални фаол жалб қилиш борадаги қатъий позициямизни акс эттиради.

Покистонга таширифи шуну кўрсатдики, давлатимиз раҳбари нафақат сиёсий мулоқот олиб бормоқда, балки мамлакатимизга инвестиция олиб келувчи, экспорт бозорларини кенгайтирувчи ва фуқароларимизнинг хориждаги ҳуқуқларини ҳимояловчи бош ислохотчи сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу тамойиллар хорижий шериклар билан ишлашда барчамиз учун намуна бўлиши лозим.

Президентимизнинг Покистоннинг олий давлат мукофоти — "Нишон Покистон" ордени билан тақдирлашгани — Янги Ўзбекистондаги ислохотлар ва мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўсига берилган муносиб баҳоидир.

Ушбу таширифи Ўзбекистоннинг прагматик таширифи сиёсати нақадар самарали эканини кўрсатди. Биз ушбу келишувларни тўла қўллаб-қувватлаймиз ва уларнинг парламент назорати орқали тўлиқ амалга ошишини таъминлаймиз.

Абдухуқур ҲАМЗАЕВ, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:

— Президентимизнинг давлат таширифи натижалари Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги

ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим сиёсий сигнал сифатида намоён бўлмоқда. Чунки бу олий даражадаги музокаралар Трансфатон темир йўли лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш ва Покистон — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон транспорт йўлининг ривожлантиришда янги илҳомлантирувчи куч беради.

Тўқимачилик, фармацевтика, кимё, қишлоқ хўжалиги, шу билан бирга, экология ва "яшил" иқтисодиёт каби муҳим йўналишларда ҳамкорлик икки мамлакат учун ҳам бирдек манфаатли ҳамда истиқболли аҳамият касб этаётгани бежиз эмас.

Давлат таширифи давомида аниқ йўналишларда янги "йўл хариталари" тасдиқланди. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, экспортбор маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва қишлоқ жойларда бандликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари иқлим ўзгаришига мослашув, "яшил" иқтисодиёт, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш сингари муҳим келишувларни ҳам қамраб олди.

Икки мамлакатда ҳам ҳаво ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш, чўлланишга қарши курашиш, қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича тажриба алмашиш борадаги қўшма лойиҳалар амалга ошириладиган бўлди. Бу нафақат икки мамлакатдаги реал экологик вазиятни баҳолаш, балки минтақавий экологик хавф-хатарларни қамраб олишга қаратилган амалий қадам, дейиш мумкин.

Умуман, қишлоқ хўжалиги ва экология каби стратегик соҳалардаги келишувлар барқарор ривожланиш, иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Аниқ вақтда бу Ўзбекистон Экологик партияси ўз олдида қўйган мақсадларга эришишда ҳам салмоқли қадам экани бизга катта мамнуният бағишлади.

Кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларида муҳим бир жиҳатни алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз: бу қишлоқ хўжалигида инновация ва қиймат занжирини яратиш бўйича келишув. Бунинг муҳимлиги шундаки, жаҳон бозорига юқори қийматга эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сув теҳовчи технологияларни қўллаш, амалдаги сув сарфини қамраб олиш ҳолда ҳосилдорликни ошириш каби замонавий агроинновациялар жорий этилади. Қисқача айтганда, юртимиз далаларида экологик тоза, сув сарфи кўп бўлмаган, жаҳон бозорига қийматли юқори маҳсулотлар етиштирила бошлади.

Олий даражадаги ушбу таширифи асосида буюк аждодимиз Бобур қадами етган юрт билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, янгилаётган дунёда ўзаро қўллаб-қувватлаш устуларини куриш, масофаларни қисқартириш, бир-бирига олиб борадиган йўлларни кенгайтириш ва қўлайтириш сари дадил қадам қўйилди.

Шоира РАЖАБОВА, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси:

— Давлатимиз раҳбарининг Покистонга давлат таширифи давомида икки мамлакатнинг етакчи мудофаа саноати корхоналари ўртасидаги операция алоқаларини фаоллаштириш, харбий мутахассисларни тайёрлаш дастурларини кенгайтириш, тажриба алмашиш ҳамда ўқув тадбирларини ўтказиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, таълим, фан, маданият ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни қучайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Тиббиёт ва ахборот технологиялари соҳасида қўшма таълим дастурларини жорий этиш, юқори малакали мутахассисларни биргаликда тайёрлаш режалаштирилмоқда. Маданий тадбирлар ҳамда

туризм соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали икки халқ ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Стратегик ҳамкорлик кенгайтиришнинг биринчи йиғилишида давлатимиз раҳбари Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори унвони билан тақдирланди. Бу эса халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлиқ ришталарини янада мустаҳкамлади.

Давлатларимиз ўртасида парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Парламент делегациялари ўртасидаги мунтазам алоқалар, дўстлик гуруҳларининг фаолият юритиши тажриба алмашиш, иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш учун қўлай меъёрий базани яратишга хизмат қилаётди.

Хавфсизлик соҳасида терроризм, экстремизм, наркотрафик ва трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликни қучурлаштириш масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Томонлар минтақавий барқарорлик ҳамда тинчликни таъминлаш йўлида сазй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мумкинлигига эътибор қаратгани глобал муаммоларни биргаликда ҳал этиш имкониятини кенгайтиради.

Гулжан ХАЛМУРАТОВА, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси:

— Бугунги кунда транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик стратегик аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон — Покистон ўртасидаги транспорт йўлақларини ривожлантириш Марказий Осиё давлатларининг Жанубий Осиё бозорига қиқиш имкониятларини кенгайтиради. Бу нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақанинг иқтисодий интеграцияси учун муҳим омилдир.

Давлатимиз раҳбарининг Покистонга таширифи айнан ана шу ижобий динамикани янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Айниқса, унинг доирасида Исломобод шаҳрида ўтказилган тор доирадаги музокара ҳамда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгаширининг биринчи йиғилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишини аниқлади.

Ушбу формат икки давлат ўртасидаги алоқаларни тизимли, узоқ муддатли ва институционал асосда ривожлантириш, стратегик масалаларни бевосита етакчилар даражасида муҳокама қилиш имконини беради.

Айниқса, имзоланган Қўшма декларация ва Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги баённома ўзаро ишончи иқтисодий ҳамкорлик билан мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва кўп векторли таширифи сийосати самарали амалга оширилаётганини намоён этади.

Давлатимиз раҳбари таширифи доирасида Исломободдаги кўчалардан брифг Тошкент ва янгида барпо этиладиган боққа Захриддин Мухаммад Бобур номини бериш маросимида ҳам қатнашди. Бу воқелик икки мамлакат ўртасидаги тарихий ҳамда маданий алоқаларни акс эттириши билан бирга, халқларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Болалар манфаати — миллат манфаати

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси:



— Вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг 11-ялпи мажлисида Вазирилар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари мутасадди вазирилар-идоралар, кўмита экспертлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари иштирокида кенг муҳокама қилинди.

Сўровда қайд этилган ақсарият масалаларга ижобий ечим топиладиган бизни қувонтиради, албатта. Чунки сўровдаги ҳар бир масала болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, манфаатларини таъминлаш ҳамда улар қамолга етиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган эди.

Биз парламент сўровида доимий иш жойига эга бўлмаган ёки даромади аниқланмаган алимент тўловчидан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тартибини такомиллаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш масаласини қайд этган эдик. Бироқ бу борада мутасаддилар томонидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқилмаган.

Шунингдек, мақсади чет элда болалар таъминоти учун алимент маблағларини ундиришни, оилани моддий таъминлашнинг бошқа шакллари билан самарали йўлга қўйиш учун давлатлар ўртасида ягона механизм яратишдан иборат бўлган "Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шакллари-нинг халқаро тартиби тўғрисида"ги Гаага конвенциясига қўшилиш ишлари яқинига етказилмаган.

Ушбу конвенцияга қўшилишининг зарурати шундаки, у вояга етмаганлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий судларимиз қарорларининг конвенция иштирок-

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ КЎРСАТКИЧЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитасида Олий таълим, фан ва инновациялар вазириликнинг республика бюджетидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш ҳамда ривожлантириш дастурлари мақсадли индикаторларнинг 2025 йилдаги ижроси тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Соҳа масъулларининг ахборот беришича, 2025 йил учун вазириликка 6 та ривожлантириш дастури доирасида 32 та мақсадли индикатор бўйича прогноз кўрсаткичлар белгиланган. Ва ушбу мақсадлар учун зарур маблағ ажратилган. "UzAsbo 2" дастури орқали таҳлил қилинганда, йил давомида амалга оширилган касса харажатлари режага нисбатан 97 фоизга бажарилган. Жорий харажатлар учун эса тегишли маблағ режалаштирилди, йил якунига қадар сарфланган маблағ кўрсаткичи 96,6 фоизга тенг бўлган.

Муҳокама давомида таълим соҳасидаги қатор муҳим кўрсаткичлар ижроси таъминлангани қайд этилди. Хусусан, 2025 йилда ёшларнинг олий таълим билан қамраб олиш даражаси 44 фоизга етказилиб, белгиланган режа тўлиқ бажарилган. Шунингдек, халқаро рейтингларда "ТОП — 1000" тақли рўйхатида кирган олий таълим муассасалари сони биттага ошган.

Таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича ҳам белгиланган вазифалар бажарилиб, 5 та олий таълим муассасасида мазкур жараён муваффақиятли рўйбга чиқарилди.

Депутатлар давлат олий таълим муассасалари магистратурасида тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган хотин-қизлар улуши 27,9 фоизга етиб, режада белгиланган кўрсаткичдан юқори натижа қайд этганини ижобий баҳолади.

Йиғилишда, шунингдек, талабалар тураржойлари қурилиши борада давлат-хусусий шериклик асосида

ШАХС ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитаси йиғилишида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

И й и г и л и ш д а Омбудсман томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, инсоннинг сиёсий, иқтисодий ва и ж т и м о й и харажатлари режага нисбатан қарийб тўлиқ бажарилган. Бироқ талабалар тураржойлари сизими бўйича айрим кўрсаткичлар режадан кам бажарилгани қайд этилди.

"Ёшлар дафтари"га киритилган йиғит-қизлар учун ажратилган субсидиялар ҳамда стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш дастурлари ижроси ҳақида ҳам маълумот берилди.

Таъкидланганидек, 2025 йилда инновация ва илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш йўналишида белгиланган кўрсаткичлар ошириб бажарилган. Танловга тайёрлаш дастури доирасида молиялаштирилган стартаплар натижасида 36 та маҳсулот ва хизмат яратилди. Давлат илмий дастурлари доирасида муҳандислик йўналишидаги тадқиқотлар улуши 19,6 фоизга етган.

Муҳокама якунида вазирилик мутасаддиларига бюджет маблағларидан янада самарали фойдаланиш, қисман бажарилган ёки бажарилмаган мақсадли индикаторларни қучур таҳлил қилиш, ҳисобларни устидан тизимли назоратни қучайтириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Йиғилишда кун тартибиданги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Жорий йилги режага қўра, иссиқлик электр станцияларида таъмирлаш ишлари натижасида қўшимча 182 МВт қувват тиклангани ва эскириш даражаси 49 фоиздан 47 фоизга пасаяди.



Фикр

Боқий ҳақиқатлар

Кўп асрлик мумтоз адабиётимизда инсонга инъом этилган бу дунё неъматларини қадрлашга, ўтаётган ҳар бир фурсатни ганимат билишга, ҳавойи истакларга алданиб қолмасликка ундаш мазмуни ҳамиша етакчилик қилган.

Бу жиҳатдан улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг бемисл ғоялари, ўлмас қарашлари ҳамма даврлар учун эскирмас ва манфаатли, десак, янглишмаймиз. Масалан:

Кўп олтун, қумуш сари қўл сўнмоғил Ки, тутсанг кафингни қора занг этар, Кўнгулда доғи майлини асрама Ки, кўнгулнгни доғи ҳамул ранг этар.

Англашиладики, ҳалоллик, поклик, самимият, ҳақгўйлик инсоний фазилатларнинг гултожи, сарбонидир. Шубҳасиз, кўнгул ҳаловати, руҳ осойишталиги умрининг ҳар лаҳзасини файзу қувонч, завқу чирой билан нурлантиради. "Бойлик орттириш илинжида ўзингни ўтга-чўққа ураверма, олтин-қумуш қўлда узоқроқ тутилса, кафтингни қоп-қора қилади", дейди буюк шоир. "Кафт қора"лиги — шахс таназуули, маънавий тубанлик, эл-юрт эътиборидан қолиш, Ҳақ ва халқ назарида қораотлиқ бўлиш, қолаверса, барча ёмонлигу ярамасликларнинг умумлашма ифодасидир.

Кўнгул — Шарқ адабиётининг бетакрор образи. Қалбни турфа тийраликлар, нафс кутқуларидан йироқ тутиш — ахлоқий камолот нишониси. Зеро, эътиқод нури, ҳақиқат маёғи порлаган мусаффо юракда ёлгончилигу нодонлик, сотқинлигу иккиюзламачилик иллатларига сира ўрин қолмайди. Шу сабабли "Мол-дунёга ҳавасдан ҳам воз кечгинки, кўнгулнгни бойлик ўй-хаёли зулматга гирифтор қилади", дейилади шеърда. Мол-дунё тўплаган хирс кўйиш инсонни қабохат сари бошлаши мукаррар. Очқўзлик иллоти чуқурлашгани сари жамият ҳаёти таназуулга юз тутаяди.

Кўнгулни нафс балоларидан пок сақлаш — жамиятда шаффофликни асраш демак. Бугун юртимизда коррупцияга қарши олиб борилаётган аёвсиз кураш, бу йўлда қонун ва фармонлар қабул қилиниб, парламент палаталарида масъул қўмиталар, миллий кенгаш ва агентлик фаолият юритаётгани шахс тарбияси, мамлакат ривож, эл фаровонлигини таъминлаш борасидаги изчил ислохотларнинг ёрқин мисолидир. Давлатимиз раҳбарининг "Коррупцияга жамият танасидаги саратон" сифатида қараш керак", деган фикри эса Навоий китъасидаги маънолар билан ўзаро уйғун. Шу маънода, улуғ бобакалонимизнинг мазкур шеъри ҳозирги кун нафаси билан ҳаммадан, қалби уйғоқ авлодларига қарата айтилган ўғитномадир.

Мақсуд АСАДОВ, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти директори ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор.

Жаҳон адабиёти ва тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган Алишер Навоийнинг серқирра ижтимоий-сиёсий, ижодий, илмий-маърифий фаолияти, бой адабий-бадиий мероси асрлар давомида юксак инсонпарварлик, Ватанга садоқат, адолат ва эзгулик тимсоли сифатида ҳамиша жаҳон аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти



Дуру маржонлар тўла денгиз

Ҳазрат Навоий қолдирган меросни ҳикмат маржонлари тўла денгизга менгаш мумкин. Бу денгизга шўнгиб, ҳар ким ўз салоҳияти, маънавий имкони даражасида дуру жавоҳирларга эга бўлади.

Фохр



қизиқиб сўраганида ҳазрат Навоий шундай изоҳ берди: "Икки елкамга салом берганда, кўрдимки, устимда бир чумоли турибди. Бу чумоли таҳорат олганим жойдан чиққанини билдим ва бир жонзотни ошёнидан жудо қилмоқнинг гуноҳини ўйлаб уни ўз жойига қўйиб келдим".

Бир чумолига озор етказишни истамаган Навоийнинг ушбу мисраларни битмоғи табиий эди: Кимки бир кўнгли бузқўннинг хотирин шод айлағай, Онча борким, Қабъа вайрон бўлса обод айлағай.

Яъни ким кўнгли ўқсик бир инсонни хурсанд қилса, йиқилган Қабъани қайтадан қурган, таъмирлаган каби савобга ноил бўлади.

Мустақиллик бизга қўллаб имкониятлар қатори улуғ мутафаккирни англаш, рисоладагидек тушуниш бахтини берди, дея оламиз.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнгулунг уйин, Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

Ушбу сатрлар мустақилликдан аввалги пайтлари, таассуфки, ҳаётдаги бода тарзида шарҳланган ва ўқувчиларга тақдим этилган эди. Бу ўринда бода тасаввуф адабиёти тимсоли сифатида Яратганга ишқ маъносига қўлланган. Алишер Навоийга кўра, инсоннинг жавҳаридир ва бу неъматдан маҳрум киши энг бахтсиз инсондир:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин, Икки жаҳон демаким, жон бўлмасин. Ишқсиз ул танки онинг жони йўқ, Ҳусни негсун кишиким, они йўқ.

"Ишқ толе кўешидир, қайғули диллар тиканзори у туфайли гулшан бўлур. Ишқ порлаган тўлини ойдир, зулмат кўнгуллар кечаси у туфайли нурафшондир". Алҳосил, буюк шоир ҳикматлари инсон қалбини маънан бойитувчи, ҳаёт аталмиш саёҳатда йўл кўрсатувчи йўлдошдир.

Абдумурод ТИЛАВОВ, филология фанлари номзоди, доцент.

«Сўз иқлими сори мени йўлдангиз»

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари ва "Аруз" илмий рисоласида Алишер Навоийнинг буюк шахсияти, ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар ёзилган.

Тадқиқ

Мемуарда илк тилга олинган улуғ зот ҳам айнан Алишер Навоий бўлиб, муаллиф буюк шоир тўғрисида 16 та маълумотни қайд этган. Биламизки, Мирзо Бобур 1506 йилда Ҳиротда бўлган ва Навоийнинг "Унсия" номи билан машҳур уйда 20 кун яшаган. Бу муддатда унинг бой кутубхонасидан унумли фойдаланган. Асарда шу каби маълумотлардан ташқари шоирнинг лирик ва насрий асарлари номи, уларнинг жанр хусусиятлари, Навоий бошқарган маданий муҳит, мулкдор сифатида бунёдкорлик ишларига кўрсатган мураббий ва муқаввийлиги ҳам яхши ёритилган. Шўх ва шоир мазкур ижтимоий бинолари бориб, ўз кўзлари билан кўрганни баён қилган.



«Навоий буюк шоирлар давраида». Камолуддин Беход раҳбарлигидаги Ҳирот расомлик мактаби намоёндалари ижоди.

Шунингдек, Мирзо Бобур "Аруз" рисоласида ушбу вазн қоидаларини изоҳлашда ўзбек ва форс-тожик тилида иход қилган 73 нафар қалам аҳли назмидан мисоллар келтирар экан, албатта, ҳазрат Навоийни ҳам эсдан чиқармайди. Китобхон ўзбек ва форс-тожик шеъриятининг энг гўзал намуналаридан баҳра олиш билан бирга, асар давомида энг кўп мурожаат қилинган Алишер Навоий ижоди, хусусан, унинг лирик шеърлари ва "Ҳамса" достонлари ҳақида ноёб маълумотлар билан танишиши мумкин.

Муаллиф рисоланинг "Аввалги вазн"да "маснавий вазнларидан бири буюр. Бу вазнда доғи хейли маснавийлар айтибдурлар", дея ўзи ўқиб-ўрганган достонлар хусусида фикр билдирган ҳамда буюк шоирнинг "Ҳамса"да Низомий, Деҳлавий, Жомий каби ҳамсанависларнинг эътироф билан тилга олгани ва "Мени қўлдангиз, йўлдангиз" деб ижодига мадад сўраб ёзган парчани мисол келтирган. Демак, ҳазрат Навоийнинг ўз салафлари ва Жомий шарафига айтган бағишловлари Мирзо Бобурга маъқул келган.

Шу ўринда мазкур рисолада тамсил қилинган "Ҳамса"даги лавҳаларга диққат қаратсак:

Менки талаб йўлида кўйдум кадам, Бордур умидимки, чу тутсам қалам. Йўлдаса, бу йўлда Низомий йўлум, Қўлдаса, Хусрав бил Жомий қўлум... Карам айлаб ики қўлум қўлдангиз, Сўз иқлими сори мени йўлдангиз.

Демак, Алишер Навоийдек буюк шоирлар ҳам улуғларнинг, устозларнинг тафаккур булоғидан маънавий озуқа олиб, уларнинг руҳини шод қилиб қўлига қалам тутган. Буюк даҳолардан руҳий қувват олган ва улкан маънолар ҳазинасини яратган. Мирзо Бобурнинг ўз асарларида Алишер Навоийни эслаши ва эътироф қилиши ана шу эзгу аънананинг мунтазам давом этганини ифодалайди.

Буробия РАЖАБОВА, навоийшунос.

«Бўлма дунёдўст...»

Инсоният бадиий тафаккурининг етук намунаси ҳисобланган Алишер Навоий шеъриятидаги ирфоний талқинлар уларнинг умрбоқийлигини таъминлаши билан эътиборлидир. Шакл ва мазмун уйғунлигини ҳамиша ижод аҳли, жумладан, ўзидан ҳам талаб қилган шоир шеърдан мурод — ирфон деб қўб таъкидлайди. Ранг-баранг мавзулардаги газалларининг барчасида шоир ирфоний талқинларни гоҳ ошкор, гоҳ турли тимсолу ташбеҳлар замирига сингдириб тақдим этади.

Талқин

Навоий газалларида бундай талқинлар, айниким, дунё тасвирига оид лавҳаларда жуда қимматлидир. Дунё ҳақидаги бадиий тасвир ва тасаввурларнинг Яратувчи ҳамда оламнинг яратилиши учун мақсад бўлган инсон билан туташши ижодкор дунёқарашини бадиий ниятини аниқроқ идрок этишга имкон беради. Шеърхонни Ҳақ ва дунё ўртасида турган инсонни, унинг инсонлик моҳиятини англаш йўлига олиб ўтади. Бунда Ҳақ — мангуликка даҳлдор зот, дунё эса ўзгаришга маҳкум ҳодисалар макони сифатида моҳиятан ўткинчи. Ҳўш, уларнинг ўртасида қолган инсон-чи?. Бунда инсоннинг кимлигини тушуниш учун дунёнинг нималигини англаб етиш керак.


Майли дунёки, солур кимсани тинмасликка, Тинибон кўнгли анинг кимки, кўнгулдин чиқариб. Инсонни оромсизликка олиб келадиган дунёга муҳаббатини ёкламаган шоир дунёни кўнгулдан чиқара олган одамгана ҳаловатга эришишини таъкидлайди бу байтда.

Дунё ҳақидаги байту мисраларда унинг ҳеч

нарсасга арзимаслиги, ўткинчи гўзаллиги, ҳою ҳавасларига берилиб, алданиб қолмаслик кўп учтирилади. Аммо бу инсонга неъмат қилиб берилган умрни беҳуда сарфлаш дегани эмас, аксинча, уни муносиб яшаб ўтишга, ўзгаларни қадрлашга даъватдир: Бўлма дунёдўст, гар истар эсанг осудалик, Лек ҳар не қилсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст. Сен агар хотиржамликни истайдиган бўлсанг, дунёни дўст тутма — унга кўнгулнгни боғламагин, лекин дунё аҳли — одамлар билан улар ни-майки қилсалар ҳам, дўст бўлгин, деган мазмун англашилган мазкур байт шоир ахлоқий-таълимий қарашларини ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Бундай шеъру байтлар ижодкор ва китобхон ўртасидаги нозик боғланишини шаклланишига, тафаккурнинг, диднинг ўсишига ва албатта, ўзлигини англашга етаклайди.

Каромат МУЛЛАХҲҲАЕВА, филология фанлари номзоди.



«Ҳайрат ул-аброр» достонига ишланган миниатюра. Камолуддин Беход раҳбарлигидаги Ҳирот расомлик мактаби намоёндалари ижоди.

Вафосизда ҳаё йўқ

Алишер Навоий асарларининг барчасида инсон ва унинг ахлоқи масаласи бирламчи ўрин тутаяди. Шоирнинг лирик ва эпик асарлари шахс тарбиясига қаратилган кўплаб мавзуларни қамраб олади. Дейлик, унинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидagi имон, карам, саховат, хилм, сабр, қаноат, одоб, ростгўйлик каби фазилатларнинг улуғлигини бошқа асарларида ҳам мазмунан давом этади.

Таҳлил

Буюк мутафаккир асарларида тарғиб қилинган ана шундай хислатлардан бири вафо туйғуси бўлиб, у шахс киёфасини намоён этадиган фазилат сифатида бадиийроқ қилинади. Дунёдан вафо қутуш бефойдаллиги, умрнинг ўткинчилиги, вақтни зое кетказмаслик каби мавзулар унинг кўп йиллик ҳаётий кузатишлари, хулосалари сифатида ўғит, панд-насихат, танбеҳ бўлиб ҳам келади. Хусусан, Алишер Навоий "Махбуб ул-қулб" асарида вафо ва ҳаё хислатларини жуфт тарзда таърифлайди. Карам ва муруват ота-она бўлса, вафо ҳамда ҳаё уларнинг икки фарзанди. Ҳар кўнгулдаки вафо маскан тутган бўлса, унда ҳаё ҳам бўлади. Вафо топила, ундан ҳаёни ҳам топиш

мумкин, дейди. Мантқан олиб қаралганда, бевафоллик, аҳдида турмаслик, субутсизлик, яхшиликни унуттиш, худбинлик хислатлари вафосизликни англаштириб келади. Агар кишида ҳаё, уят, андиша, ор-номус бўлса, яхшиликни унутмайди. Ҳаёсизлик вафосиз кишиларнинг асл киёфасини кўрсатади, аслида вафосизлик орқали ҳаёсизнинг юзи қоатади. Яна давомидан "Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ — имон йўқ ва ҳар кимда имон йўқ — андин одамийлик келмоқ имкон йўқ", дейилади. Яъни ҳар кимдаки бу икки йўқ, демак, унинг имони йўқ, имони йўқ одамдан эса яхшилик қутиб бўлмайди. "Фавойид ул-қибар" девонида вафо талқинига махсус газал ҳам бағишланган. Жумладан, "Замона аҳли вафо таркин айламиш демангиз, Ки бу замона-

Озода ТОҶИБОЕВА, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида «Алишер Навоий. Даврлар мулоқоти» номли кўргазма ташкил этилди.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' magazine, including contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and publication details.